



« 24 » август 2016 й.

Наманган шаҳри 324 -сонли

**Вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 28 октябрдаги ПФ–2100-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 10-11-сон, 203-модда) ижросини таъминлаш ҳамда вилоятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини ошириш мақсадида,

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси (Х.Юсупова), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (М.Ходжаев), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (Ғ.Ортиқов), Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (С.Мухитдинов)нинг вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини тартибга солиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини мувофиқлаштирувчи Ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ, тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини мувофиқлаштирувчи комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят Ишчи гуруҳи Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини тартибга солиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

- вилоятнинг барча ҳудудларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиб, шаҳар, туман ҳокимликларининг ишчи гуруҳлари тавсиялари асосида кенг жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини тартибли, ихчам, исрофгарчиликларсиз ва

миллий кадрятлар асосида ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, тарғибот қилиш орқали жамият ҳаётига татбиқ этсин;

- тўй-ҳашамлар, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш бўйича жамоатчилик фикрини инобатга олмайдиган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф қилиб, мазкур масалани маҳалла ва меҳнат жамоасида муҳокама қилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

4. Вилоят тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва дафн маросимларини мувофиқлаштирувчи комиссияси аҳоли ўртасида муқаддас динимиз, кадрятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида тўй ва бошқа маросимларини ихчамлаштириш, иқтисодий имконияти юқори бўлган оилалар дабдаба ўрнига маблағларини кам таъминланган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтириш борасида кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб борсинлар;

- замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш, жамият ҳаётига таъсир этувчи таҳдидларнинг олдини олиш, тинчлик ва мустақиллик неъматини асраш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят вакили (А.Турсунов) имом-хатиблар томонидан ёшларни қонуний никоҳдан ўтмасдан олдин шаръий никоҳ ўқиётганларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга яқиндан кўмаклашиш, имом-хатибларнинг тўй ва дафн маросимларидаги маърузалари аҳолини эътиборини ёшлар тарбияси, ота-онанинг масъулияти, оилани муқаддаслиги, шаръий ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатларини олдини олиш, оила аъзоларини ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этиши каби масалаларга қаратилсин.

6. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Ҳакимов), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

- ресторан, кафе ва тўйхонада тўй-ҳашам ва турли маросимларни ўтказишда пластик карточкалар, пул ўтказиш йўли ва банк кредити орқали ўтказиладиган тўловларни қабул қилишда ҳеч қандай чекловларсиз, нархларни бир хил, сунъий ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда амалга оширилишини таъминлансин;

- барча ресторан, кафе ва тўйхоналарда фуқаролар ҳаётига хавф солувчи техникалар, кўرғазмалар, пиротехникадан фойдаланмаслик, атрофда яшовчи аҳолининг тинчи, осойишталигини бузмаслик, тунги вақтларда маиший

шовкинга қарши кураш талабларини таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

7. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (М.Ходжаев)ларга:

- тўй-ҳашам муносабати билан келин-куёв ва уларнинг яқинларини кўча, хиёбонларда фотосуратга олиш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва жамоат тартибига риоя этилишини таъминлаш;

- профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари билан биргаликда тўй-ҳашам ва бошқа тадбирларни ўтказиш вақтини қисқа ва ихчам бўлиши, жамоат тартиби ва хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши юзасидан хонадон эгалари билан яқка тартибда тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

8. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Ҳакимов), “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси (Н.Кўчқаров), вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси (Р.Низамбаев) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сонли қарори ижроси асосида лицензия, рухсатнома талаблари ва шартлари асосида тўй-ҳашамларда маданий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, қарор талабаларига риоя этмаган хонанда, созанда, раққоса, овоз операторлари, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаш ҳамда қайд этилган тартибларга амал қилмаслик бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ чоралар қўллаш вазифаси юклансин.

9. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси (Х.Юсупова) шаҳар, туман ҳокимликлари билан биргаликда маҳаллий дизайнерларни жалб этган ҳолда миллий қадриятларимизга хос бўлган келинлар либослари намуналарини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, никоҳ либослари салонларидаги либосларни миллий-замонавий либосларга алмаштириш чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

10. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (С.Мўминов) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сонли қарорига мувофиқ соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ туғма ногирон болалар туғилишини олдини олиш мақсадида никоҳланувчи шахсларни тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаган муддатда сифатли тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;

- қариндошлар ўртасида никоҳ қурилишини олдини олиш бўйича никоҳланувчиларга унинг салбий оқибатларини тиббий ёндошув асосида ишончли мисоллар билан тушунтириш;

- фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари билан биргаликда жойларда малакали ходимларни жалб этган ҳолда аҳоли, ёшлар ўртасида тиббий кўриқдан ўтиш масалалари долзарб эканлиги бўйича тарғибот ташвиқот ишларини тизимли ташкил этиш вазифалари топширилсин.

11. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими (М.Ходжаев), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (Ғ.Ортиқов), Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (С.Мухитдинов), “Камолот” ЁИХ вилоят Кенгаши (М.Убайдуллаев) жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

- маҳаллаларда, фаоллар ва кенг аҳоли ўртасида тўй маросимларини ихчам, камхарж ва камчиқим ўтказиш бўйича тушунтириш тарғибот ишларини янада кучайтириш орқали ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни олдини олиш;

- фуқаролар йиғинининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар айниқса, яраштириш комиссиясини тўлақонли ишлашини таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ҳамкорликда эрта ва шаръий никоҳлар, балоғат ёшига етмай она бўлиш ҳолатларни олдини олиш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари бўйича аҳоли ва ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этилсин.

12. Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (З.Мансуров), вилоят телерадиокомпанияси (У.Мамадалиев), “Наманган ҳақиқати” (М.Парпиев), “Наманганская правда” (В.Бичурин) газеталари таҳририяти ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан тўй-ҳашам ва дафн маросимларини тартибга солиш, оила ва турмуш доирасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш моҳиятини кенг тарғиб этиш тавсия этилсин.

13. Вилоят ҳокимининг 1998 йил 7 ноябрдаги 282-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг соҳа бўйича ўринбосарлари зиммаларига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**Ҳ. Бозаров**



Вилоят ҳокимлигининг  
2016 йил “24” августдаги  
324 - сонли қарорига  
1-илова

**Вилоятда тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни  
мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ  
ТАРКИБИ**

<b>Раис:</b>		
1.	Х. Бозаров	Вилоят ҳокими
<b>Раис ўринбосарлари:</b>		
2.	Ў. Эргашев	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
3.	Т. Дадабаев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари
4.	А. Маматов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари
5.	Х. Маткаримов	Вилоят ҳокимининг диний ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бўйича ўринбосари
6.	Х. Юсупова	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси
<b>Аъзолар:</b>		
7.	А. Тошпўлатов	Вилоят ИИБ бошлиғи
8.	М. Ходжаев	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
9.	Ғ. Ортиқов	“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси
10.	Р. Гуламов	Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи
11.	В. Ражапов	Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
12.	С. Муминов	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
13.	А. Хақимов	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
14.	Р. Низамбаев	Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
15.	М. Убайдуллаев	“Камолот” ЁИХ вилоят Кенгаши раиси
16.	А. Гурсунов	Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили
17.	С. Мухитдинов	Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
18.	З. Мансуров	Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
19.	У. Мамадалиев	Вилоят телерадиокомпанияси раиси
20.	М. Парпиев	“Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири

**Вилоятда тўй-ҳашам ва дафн маросимларини  
мувофиқлаштирувчи комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>Раис:</b>		
1.	Х.Юсупова	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси
<b>Раис ўринбосари:</b>		
2.	Т.Арипов	Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари
<b>Аъзолар:</b>		
3.	М.Ходжаев	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
4.	Ғ.Ортиқов	“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси
5.	Р.Гуламов	Вилоят ўрта махсус касб-хунаар таълими бошқармаси бошлиғи
6.	В.Ражапов	Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
7.	С.Муминов	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
8.	А.Ҳакимов	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
9.	Р.Низамбаев	Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
10.	М.Убайдуллаев	“Камолот” ЁИХ вилоят Кенгаши раиси
11.	А.Турсунов	Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили
12.	С.Мухитдинов	Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
13.	З.Мансуров	Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
14.	У.Мамадалиев	Вилоят телерадиокомпанияси раиси
15.	М.Парпиев	“Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири